

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**876 Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривож-  
лантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшим-  
ча чора-тадбирлар тўғрисида**

Мамлакатимиз ўзининг бой бадий мероси билан жаҳон санъати ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган қадимий цивилизация ўчоғи сифатида миллий бадий анъаналарнинг ўзига хослигини сақлаб келаётгани дунёнинг етакчи санъат мутахассислари томонидан эътироф этилган.

Бугунги кунда замонавий ўзбек тасвирий санъатига қўплаб ёш истеъдод эгалари кириб келаётгани, турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган ижодкорлар, хусусан, рассом ва ҳайкалтарошлар, халқ усталари ижодида янгича мазмун ва шакл, жаҳон санъат майдонида муносиб ўрин эгаллашга интилиш тенденциялари кўзга ташланаётганини ижобий баҳолаш лозим.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар талаб даражасида эмаслиги, соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳамда моддий-техник базанинг мукамал эмаслиги, малакали кадрлар етишмаслиги бу борадаги ишларнинг самарасига салбий таъсир этмоқда.

Ўзбек тасвирий ва амалий санъати ҳамда дизайн йўналишларини янада ривожлантириш, халқимизнинг ушбу нафис санъатларга бўлган эстетик эҳтиёжини қондириш, кенг йўналишда фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг ижодий имкониятларидан унумли фойдаланиш, уларга шарт-шароит яратиш, бадий салоҳиятини ошириш, замон талабларига мос бадий таълим тизимини кенг йўлга қўйиш ҳамда Ўзбекистон Бадий академиясининг фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида:

**1. Қўйидагилар:**

Ўзбекистон Бадий академиясининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Бадий академияси марказий аппаратининг бошқарув ходимлари умумий чекланган сони 21 кишидан иборат тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Бадий академиясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштириш бўйича 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмасининг тузилмаси 5-иловага мувофиқ маъқулансин.

Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастурини амалга оши-

риш бўйича Республика комиссияси таркиби 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Бадий академияси раисига зарур ҳолларда, марказий аппарат ҳамда Ўзбекистон Бадий академиясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими тузилмасига ходимларнинг чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Ўзбекистон Бадий академиясининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, шахсий ва ижодий кўرғазмалар учун кенг имкониятлар яратиш бериш ҳамда ижодкорларнинг бадий салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

жаҳондаги етакчи бадий академиялар, ушбу йўналишдаги таълим муассасалари, ташкилотлар, атоқли маданият ва санъат арбоблари билан илғор тажрибалар алмашиш мақсадида ҳар томонлама ижодий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

ижодкорлар ва истеъдодли ёшларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

халқимизнинг бой маданий меросини, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн анъаналарини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмасининг (кейинги ўринларда — Бадий ижодкорлар уюшмаси деб юритилади) фаолиятини мувофиқлаштириш;

тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишидаги ижодкорларни, миллий ўзлигимизни англаш ғояларини тараннум этувчи юксак даражадаги ёрқин санъат асарларини яратишдаги фаолиятини рағбатлантириш ва болалар санъатини ривожлантириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Бадий академияси тизимидаги таълим муассасаларининг фаолиятида бадий таълим узвийлиги ҳамда узлуксизлигини таъминлашга эришиш мақсадида ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари ва ўрта махсус таълим муассасалари учун бошланғич бадий таълимни йўлга қўйиш;

Ўзбекистон маданияти ва санъатининг тараққиёти йўлида тасвирий ва амалий санъат, дизайн ва халқ ҳунармандчилиги соҳалари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Бадий академияси тизимидаги таълим муассасаларининг фаолиятини хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш;

тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишида етук мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, Ўзбекистон Бадий академияси марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолиятини кучайтириш, бу борадаги вазифаларни амалга оширишнинг замонавий, таъсирчан усул ва шакллари тизимли асосда ривожлантириб бориш;

Ўзбекистонда ва хорижда кенг қўламдаги кўрғазмалар ташкил этиш орқали миллий санъатимиз ютуқларини дунё жамоатчилигига танитиш, конференция, биеналелар ва бошқа анжуманлар ўтказиш.

3. Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Фанлар академиясининг мамлакатимиз музейлари фондларини мустақиллик йилларида яратилган юксак бадий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарлари билан мунтазам бойитиб бориш ва асарлар баҳосини уларнинг ижодий ва моддий қийматидан келиб чиққан ҳолда белгилаш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қошида Бадий экспертлар кенгашини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига мустақиллик йилларида яратилган, юксак бадий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарларини сотиб олиш учун 2018 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 1 миллиард сўм ва «Ўзвиносаноатхолдинг» компаниясининг ташаббуси билан хайрия асосида 1 миллиард сўм маблағ ажратиш тўғрисидаги таклиф маъқуллансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Бадий академиясининг раиси мақоми, моддий, маиший, транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари бўйича — вазирга, унинг ўринбосари ва бош илмий котиб — вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қошидаги Бадий экспертлар кенгашининг таркиби ва Низоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

мустақиллик йилларида яратилган юксак бадий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарларини сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари 2019 йилдан бошлаб энг кам иш ҳақи миқдорининг ўртача йиллик ўсиш кўрсаткичларига оширилган ҳолда ажратилади;

мустақиллик йилларида яратилган юксак бадий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қошидаги Бадий экспертлар кенгашининг қарорига асосан сотиб олинади;

2018 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Бадий академиясининг ҳақиқий аъзолари учун энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдорида ойлик гонорар тўлаш тизими жорий қилинади ҳамда ушбу гонорарлар жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғидан озод қилинади;

Ўзбекистон Бадий академиясининг ҳақиқий аъзолари Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларига белгиланган имтиёزلардан фойдаланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

6. Бадий ижодкорлар уюшмаси ва унинг ҳудудий бўлимлари галереяларини сақлаш харажатлари, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш харажатларини молиялаштириш манбаси этиб Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фонди (кейинги ўрин-

ларда — Фонд деб юритилади) маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

Бунда Бадий ижодкорлар уюшмасининг ҳудудий бўлимлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Фондга ажратиладиган бюджет маблағлари (субсидия) ҳисобидан қопланиши назарда тутилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Бадий ижодкорлар уюшмаси ҳудудий бўлимларининг ҳудудий галереяларда жойлаштирилишини ҳамда уларнинг моддий-техник базаси мустақамланишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

мустақиллик йилларида яратилган юксак бадий қийматга эга бўлган тасвирий ва амалий санъат асарларини сотиб олиш учун зарур маблағларни 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрлари шакллантирилганда ажратилишини назарда тутсин;

Ўзбекистон Бадий академияси марказий аппаратига 2 та шахсан бириктирилган ва 1 та навбатчи хизмат автотранспорти сақлаш учун лимит ажратсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1 ой муддатда:

Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги Ҳукумат қарорини қабул қилсин;

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳудудида Ўзбекистон Бадий академияси биносини қуриш ишларини ташкиллаштирсин ва ушбу бинода рассомлар учун тажриба устахонасини ташкил этиш кўзда тутилсин.

10. Ўзбекистон Бадий академияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**


**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 16 август,  
ПҚ-3219-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон қарорига  
1-ИЛОВА

876-молда

### Ўзбекистон Бадий академиясининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



— 18 —

34 (794)-сон

### Ўзбекистон Бадий академияси марказий аппаратининг ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг умумий чекланган сони (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар бундан мустасно) 21 киши.  
Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони қонунчиликда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари учун белгиланган меъёрлар асосида аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон бўлимининг  
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг умумий чекланган сони (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар бундан мустасно) — 8 та.  
Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони қонунчиликда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари учун белгиланган меъёрлар асосида аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштириш  
бўйича 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар  
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddати	Масъул ижрочилар
<b>I. Ўзбекистон Бадий академияси фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш</b>			
1.	Тошкент шаҳрида замон талабларига мос бўлган «Замонавий санъат галереяси»ни ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	2017 йил IV чорак	Ўзбекистон Бадий академияси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент шаҳри ҳокимлиги
2.	Ўзбекистон Бадий академияси тизимидаги маданий-маърифий муассасаларнинг намунавий штатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2017 йил IV чорак	Ўзбекистон Бадий академияси, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
3.	Ҳайкалтарошлик монументал асарларини яратиш учун мос, керакли шароитга эга бўлган бино масаласини ҳал этиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ҳайкалтарошлик монументал асарларини яратиш учун мос, бўш бинони Бадий академия балансига ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2018 йил I чорак	Ўзбекистон Бадий академияси, Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Тошкент шаҳри ҳокимлиги
4.	Тасвирий ва амалий санъат, дизайн соҳасида самарали фаолият олиб бораётган, миллий маданиятни авайлаб асраш ва тарғиб қилиш, маънавий бой, жисмонан бақувват, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга муносиб ҳиссаларини қўшаётган ижодкорларни Ўзбекистон Бадий академиясининг «Олтин», «Кумуш» медаллари, дипломлари билан тақдирлаш бўйича низом ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2017 йил IV чорак	Ўзбекистон Бадий академияси
5.	Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоларини ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш юзасидан уларнинг ижодий фаолиятини меҳнат стажига киритиш билан боғлиқ тегишли таклиф тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2018 йил I-ярим йиллик	Ўзбекистон Бадий академияси, Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги



Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
6.	Кўп йиллар давомида Ўзбекистон Бадий академиясининг барча йўналишларида самарали меҳнат қилиб, унинг самарадорлигини оширишга ҳисса қўшиб келаётган фидойи мутахассисларни меҳнатларини муносиб рағбатлантириш мақсадида уларнинг лавозим маошларига узоқ муддат хизмат қилганлиги учун тўланадиган қўшимча тўловлар масаласини кўриб чиқиш бўйича лойиҳа тайёрлаш ва киритиш.	2018 йил III чорак	Ўзбекистон Бадий академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги
<b>II. Бадий академия тизимидаги муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий жиҳозлаш ва самарали ижодий фаолият олиб бориш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, тасвирий ва амалий санъат, дизайн соҳасида самарали фаолият олиб бораётган ижодкорларни қўллаб-қувватлаш</b>			
7.	Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 10а-уйда жойлашган Бадий кўргазмалар дирекцияси фондида сақланаётган 17 мингдан ортиқ бадий қийматга эга тасвирий ва халқ амалий санъати дурдоналарини сақлаш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида фонд биносини мукамал реконструкция қилиш ишларини Инвестиция дастурига киритиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифларни ва тегишли ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш.	2018 йил I чорак	Ўзбекистон Бадий академияси, Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги.
8.	Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоларини мунтазам равишда соғломлаштириш ва дам олиш масканларига имтиёзли нархларда йўлланмалар билан таъминлаш масаласи юзасидан Ўзбекистон Бадий академиясининг йиллик режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	2018 йил I чорак	Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Бадий академияси
9.	<p>Республика рассомлик коллежи (П. Беньков) республикамининг чекка ҳудудларидан келиб таҳсил олаётган ўқувчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 400 ўринли ўқувчилар турар жойи учун янги бино қурилиши бўйича;</p> <p>Республика дизайн коллежининг ўқувчилар турар жойи типига қурилган биносини капитал реконструкция қилиш ва замонавий типдаги 200 ўринли ўқувчилар турар жойига қайта мослаштириш бўйича;</p> <p>Қўқон тасвирий ва амалий санъат коллеж биносини коллежнинг умумий контингенти ва бионинг ҳозирги қувватини ҳисобга олган ҳолда қўшимча янги ўқув бино қуриш масалалари бўйича кейинги йилларда Инвестиция дастурига киритилишини таъминлаш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар билан лойиҳа тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2018 йил II чорак	Ўзбекистон Бадий академияси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Фарғона вилоят ҳокимияти.

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
10.	Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмаси бўлим-ларининг ижодий устахоналари фаолиятини такомиллаштириш, уста-шоғирд анъаналарини янада ривожлантириш ҳамда уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2018 йил I чорак	Ўзбекистон Бадий академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар
11.	Ички ва ташқи туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этувчи шаҳарсозлик доирасида барча қурилиш объектларини сметасига бадий ишларни киритиш бўйича (ҳайкалтарошлик, монументал ҳайкал-тарошлик, дастгоҳли рангтасвир, графика, керамика, ландшафтлар) тайёрланадиган лойиҳаларда Ўзбекистон Бадий академияси иштиро-қини таъминлаш.	доимий	Давлат рақобат қўмитаси, Ўзбекистон Бадий академияси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
12.	Ўзбек тасвирий ва амалий санъатимиз ютуқларини дунё жамоатчи-лигига танитиш мақсадида халқаро миқёсдаги кўчма кўргазмаларни ташкил этиш, халқаро миқёсдаги маданий алоқаларни тўғри йўлга қўйиш, жаҳон ҳамжамиятига ўз ижодий ишларини таништириш мақсадида муаллифларнинг ўз асарларини мамлакатимиз ҳудудидан олиб чиқиш билан боғлиқ тўловлардан Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоларини озод қилиш масаласини кўриб чиқишга мўлжалланган таклифларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2018 йил III чорак	Ўзбекистон Бадий академияси, Маданият вазирлиги
<b>III. Маънавий-маърифий ишлар, тадбирлар ҳамда кўргазмалар фаолияти, Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини чуқур ғоявий мазмун билан бойитилишини таъминлаш, кўргазмалар фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг бадий ва маънавий савиясини ошириш</b>			
13.	Ўзбекистонда кенг кўргазма фаолияти орқали мамлакатимизнинг бой тарихи, бугунги ютуқларини халқимизга ва дунё жамоатчилигига тани-тиш, ўтказилаётган кўргазмаларга хорижий меҳмонлар, сайёҳларнинг ҳамда маҳаллий аҳоли, ўқувчи ва талабаларнинг ташрифини қўпайтириш мақсадида тизимдаги мавжуд кўргазма залларини ҳозирги замон талаб-ларига мос равишда таъмирлаш ва кўргазма залларини жаҳон стандарт-ларига жавоб берувчи кўргазма (витрина, витраж, стендлар ва бошқа), оргтехника (монитор, видеопроектор ва бошқа), мебел жиҳозлари, ёри-тиш тизимлари билан тўлиқ таъминлаш бўйича таклиф тайёрлаш ва Молия вазирлигига киритиш.	2018 йил I чорак	Ўзбекистон Бадий академияси, Молия вазирлиги


Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
14.	Ижодкорларнинг Миллий истиқлол ғоясини тасвирий ва амалий санъатимиз орқали тарғиб қилиш йўлидаги ҳаракатларини сифат жиҳатдан янги bosқичга кўтаришда катта аҳамият касб этувчи анъанавий «Тасвирий ва амалий санъат фестивали»ни юқори даражада ташкил этиш.	2018 йил I чорак	Ўзбекистон Бадий академияси, Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар
15.	Тарихий ва замонавий ўзбек амалий санъатини республикада ҳамда хорижда кенг тарғиб қилиш, жамоатчиликни миллий ва чет эл маданияти ва санъати билан яқиндан таништириш ва тарғиб қилиш ишларини юксак поғонага кўтариш мақсадида «I-Тошкент Халқаро амалий санъат Биеннаlesi» ва «Замонавий санъат Биеннаlesi»ни ҳар икки йилда бир марта ўтказиш.	Ҳар икки йилда	Ўзбекистон Бадий академияси, Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимияти ва манфаатдор вазирлик ва идоралар
<b>IV. Тасвирий ва амалий санъати ҳамда дизайн соҳаларда кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, бу борада замонавий педагогик ва халқаро тажрибалардан фойдаланиш, таълим тизимини ислоҳ қилиш</b>			
16.	Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг таълим тизимини ислоҳ қилиш юзасидан мавжуд масалаларни «2017 — 2021 йилларда Республика Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш Дастури»га киритиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.	2017 йил IV чорак	Ўзбекистон Бадий академияси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимияти.
17.	Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг мутахассислик йўналишида касбий (ижодий) кириш имтиҳонларини ташкил этишни тубдан ўзгартириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, Давлат қабул комиссиясига киритиш	2018 йилдан мунтазам	Ўзбекистон Бадий академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон давлат консерваторияси
18.	Бадий таълим йўналишлари бўйича ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва мазкур тизимда вертикал бошқарувга асосланган малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасасини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.	2018 йил I чорак	Ўзбекистон Бадий академияси, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълим вазирлиги, Молия вазирлиги
19.	Тасвирий ва амалий санъат, дизайн йўналишида устоз-шогирд тизимини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Бадий академияси Академиклари, Ўзбекистон Халқ рассомлари, Халқ усталари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари унвонларига эга бўлган мутахассисларни даражада деб белгилашда, Бадий таълимнинг мутахассисларини даражасини белгилашда уларни Олий Аттестация Комиссияси	2018 йил I чорак	Ўзбекистон Бадий Академияси, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълим вазирлиги

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
	билан биргаликда илмий унвонларга тенглаштириш мезонларини қайта ишлаб чиқиш.		
20.	Тизимдаги таълим муассасаларида янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва уларни таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, шу жумладан, энг янги хорижий адабиётлар сотиб олиш ва таржима қилиш, ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгиллаб бориш.	2018 йил I чорак	Ўзбекистон Бадий академияси, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълим вазирлиги, Молия вазирлиги
21.	Ўзбекистон Бадий академияси таълим тизимида бадий ва илмий салоҳиятни тўғри йўлга қўйиш, жаҳон стандартлари талабларига мувофиқ академик бадий таълимни ўзига хослигини инobatга олиб Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти салоҳиятини белгилашда илмий салоҳиятга бўлган талабни инкор этмаган ҳолда, бадий салоҳиятни бирламчи этиб олиш билан боғлиқ Олий таълимдан кейинги таълимни ташкил этишга доир таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш.	2018 йил I чорак	Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Бадий академияси, Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
22.	Болалар санъатини ривожлантириш, истеъодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, Бадий академия тасарруфидаги ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатларидаги академик бадий таълим жараёнини ислоҳ қилиш, таълим сифатига салбий таъсир этаётган мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида таълимни 1 — 11-синфларда ташкил этиш ҳамда мусиқа йўналишини сақлаб қолиш бўйича «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 173-сон қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаш ва тасдиқлаш.	2018 йил I чорак	Ўзбекистон Бадий академияси, Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
23.	Бадий таълим йўналишидаги муассасаларда ўқитишнинг сифат даражасини ошириш ва ўқувчи-талабалар пластик анотомияни мукамал ўзлаштиришини таъминлаш мақсадида бадий (тасвирий ва амалий санъат) таълимга ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари учун жонли натура меҳнати ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини ишлаб чиқиш.	2018 йил I чорак	Ўзбекистон Бадий академияси, Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон қарорига  
5-ИЛОВА

876-модда

### Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмасининг ТУЗИЛМАСИ



— 26 —

Ходимларнинг умумий чекланган сони (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар бундан мустасно) — 24,5 та.  
Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар асосида аниқланади.  
Ўзбекистон Бадий академияси Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлимлари ходимларига бир пайтнинг ўзида жамоатчилик асосида Бадий Ижодкорлар уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги галереялари ходимлари ҳисобланади ва мазкур галереялар фаолиятини белгиланган тартибда самарали ташкил этилишида жавобгардир.

34 (794)-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2017 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон қарорига  
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва  
янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастурини  
амалга ошириш бўйича Республика комиссияси  
ТАРКИБИ**

- А. Арипов — Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Республика комиссияси раҳбари
- Х. Султонов — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Республика комиссияси раҳбари ўринбосари
- А. Нуриддинов — Ўзбекистон Бадий академияси раиси, Республика комиссияси котиби
- Р. Усмонов — Тошкент шаҳри ҳокими
- М. Муратов — Ўзбекистон Республикаси маданият вазири
- А. Камиллов — Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири
- Г. Саидова — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири
- Б. Ходжаев — Ўзбекистон Республикаси молия вазири
- И. Мажидов — Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта-махсус таълим вазири
- Х. Аминов — Комолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти ректори
- Б. Закиров — «Давархитектқурилиш» қўмитаси раиси
- Р. Гулямов — Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси
- А. Қодиров — Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари
- М. Аҳмедов — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси
- А. Хақимов — Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти бўлим мудирини, санъатшунослик фанлари докторини, профессор

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари.

*Изоҳ:*

*Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига қўрсатилган лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёки тегишли функцияларни бажариши зиммасига юкланган шахслар киритилади.*